

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРТОЖИЕВ БОБОШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ

ЛИМОН ВА МАНДАРИН (*Citrus limon* В., *Citrus reticulate* L.)
КЎЧАТЛАРИНИ ЖАДАЛ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШ

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2023

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
agricultural sciences**

Нортожиев Бобошер Шералиевич

Лимон ва мандарин (*Citrus limon* В., *Citrus reticulata* L.) кўчатларини жадал етиштириш технологиясини такомиллаштириш..... 3

Нортожиев Бобошер Шералиевич

Совершенствование технологии выращивания саженцев лимона и мандарина (*Citrus limon* В., *Citrus reticulata* L.)..... 19

Nortojiyev Bobosher Sheraliyevich

Improving the technology of growing lemon and tangerine seedlings (*Citrus limon* В., *Citrus reticulata* L.)..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

НОРТОЖИЕВ БОБОШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ

**ЛИМОН ВА МАНДАРИН (*Citrus limon B.*, *Citrus reticulate L.*)
КЎЧАТЛАРИНИ ЖАДАЛ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ
ТАКОМИЛАШТИРИШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.3.PhD/Qx.968 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Султонов Камолитдин Садриддинович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Файзиев Жамолиддин Носирович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Фахрутдинов Нуриддин Зайниддинович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, доцент

Етақчи ташкилот:

Термиз агротехнологиялар ва инновацион
ривожланиш институти.

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2023 йил “24” февраль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260–48–00; факс: (+99871) 260–38–60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№547807-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260–50–43)."

Диссертация автореферати 2023 йил “11” февраль куни тарқатилди.
(2023 йил “10” январдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

Э.Т. Бердиев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д.,
доцент

С.А. Юнусов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к.х.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда “дунё бўйича 14 млн. тонна лимон, 38 млн. тонна мандарин мевалари етиштирилади. Ушбу меваларни энг кўп етиштирувчи давлатлар Хитой, Испания, Ҳиндистон ва Мексика ҳисобланиб, дунё бўйича ялпи ҳосилнинг 16 % дан миқдори ушбу давлатлар ҳиссасига тўғри келади”¹. Цитрус мевали ўсимликлар Rutaceae оиласига кирувчи Aurantioideae (норанжа) кенжа турига мансуб ҳисобланиб, цитрус туркумининг табиий ареали жануби-шарқий Осиёнинг жуда кенг тропик ва субтропик ҳудудларида тарқалган. Цитрус экинлар шакллари ва гуруҳларининг энг аҳамиятли ривожланиши Ҳиндистонда кечади. Ҳозирда цитрус мевали ўсимликлар кўчатларини етиштиришда совуққа чидамли ҳосилдорлиги юқори бўлган навларини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда дунё саноатида цитрус меваларидан лимон ва мандарин етиштирувчи Хитой, Ҳиндистон Испания, Туркия ва Мексика каби мамлакатларда ушбу цитрус меваларни етиштириш ҳажмини ва ҳосилдорлигини ошириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. “Хитойда мандариннинг 50 дан ортиқ, Ҳиндистон ва Мексикада лимоннинг 100 дан ортиқ янги навлари яратилган”². Шундай бўлсада ҳозирда лимон ва мандариннинг ноқулай шароитларга бардошли навларини яратиш, мандарин кўчатларини етиштиришда лимон кўчатларидан пайвандтаг сифатида фойдаланиш технологиясини такомиллаштириш, цитрус ўсимликларини кўчати ва меваларини таннархини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Республикамызда цитрусчилик, жумладан лимон ва мандарин кўчатларини анъанавий усулларда кўпайтириш ва етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилган. Лекин бугунги кундаги замонавий технологиялар шароитида лимон ва мандаринни жадал етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган ПФ-60-сонли Фармонининг 3.30-бандида ҳам «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш»³ масалалари алоҳида белгилаб кўйилган. Бугунги кунда лимончилик тармоғини бошқариш, тизимини ислоҳ қилиш, лимонзорлар майдонини кенгайтириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини кўпайтириш борасида изчил чоралар амалга ошириляётганлиги сабабли лимон ва мандарин кўчатларини жадал етиштириш технологиясини такомиллаштириш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 6 мартдаги ПҚ-3586-

¹ <https://ru.wikipedia.org/wiki/Мандарин>

² <https://ru.wikipedia.org/wiki/Лимон>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

сон “Ўзбекистон Республикасида лимончилик соҳасини янада ривожлантириш чора – тадбирлари тўғрисида” ги қарори, 2020 йил 19 февралдаги ПҚ-4610-сон “Лимончилик тармоғини янада ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Цитрус ўсимликлари кўчатларини етиштириш ва пайвандлаш ишларини амалга ошириш бўйича хорижий олимлардан S. Pal.P. Senthilkumaran, Ibn al-'Awwam, Yaḥyá, James Lind, Douglas Harper, Spalding, A.William, K.L.Penniston, S.Y.Nakada, R.P.Holmes, D.G.Assimos, M.Hofrichter, МДХ давлатларида С.А.Пенёнжека, Т.И.Калмыкова, А.Д.Александров, В.В.Воронцов, Л.И.Улейская, Ф.В.Садыкова, Ф.А.Фогель, Ўзбекистонда эса З.Фахриддинов, С.А.Остроухова, Н.Н.Муминов, М.М.Мирзаев, М.А.Арсланов, О.В.Арзямова, Н.З.Фахриддинов, Б.Гуломов, У.Э.Эшанкулов М.З.Фахриддинов, каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилиб, муаллифлар томонидан лимон ва мандарин ўсимликларининг янги навларини яратишда сифатли кўчатларни етиштириш, пайвандлаш усулларини ишлаб чиқиш, лимон ва мандарин кўчатларини вегетатив кўпайтиришда экиш муддатлари, экиш схемалари ва озиклантириш меъёрлари бўйича тавсиялар берилган.

Аммо лимон ва мандарин кўчатларини жадал етиштиришда табиий субстратларни қўллашнинг аҳамияти, биостимуляторларнинг таъсири, лимон пайвандтагларига мандарин куртакларини пайвандлаш борасида илмий-тадқиқот ишлари етарлича амалга оширилмаган. Шундан келиб чиқиб лимон ва мандарин кўчатларини жадал етиштиришда субстратлар ва биостимуляторларни таъсирини аниқлаш, мандарин кўчатларини тайёрлашда унга мос пайвандтагларини танлаш, пайвандлаш муддатлари ҳамда усулларини такомиллаштириш ва амалиётга тадбиқ этиш долзарб вазифа бўлиб келмоқда. Лимон кўчатларини етиштиришда замонавий субстратлар ва биостимуляторларни қўллаш, мандарин кўчатларини тайёрлашда очиқ майдонларда лимон пайвандтакларидан фойдаланиш баробарида ушбу муоммоларни бартараф этиш имконини беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълимнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтида №А-QX-2021-118 рақамли «Лимон кўчатларини инновацион технологиялар асосида етиштириш ҳамда уларни зарарқунанда ва касалликлардан ҳимоя қилиш агротехнологиясини яратиш» (2021-2022 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади лимон кўчатларини етиштириш ва улардан мандарин кўчатларини тайёрлашда пайвандтаг сифатида фойдаланиш

технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари куйидагилардан иборат:

лимон кўчатларини вегетатив усулда кўпайтиришда қаламчаларнинг илдиз отишига қаламчалар ўлчамининг боғлиқлигини исботлаш;

лимон қаламчаларини илдиз отишига субстрат ва биостимуляторлар турларини таъсирини аниқлаш;

мандарин куртакларининг тутувчанлиги ва сифатли кўчатлар чиқишига, очик майдонда етиштирилган пайвандтагларнинг аҳамиятини ўрганиш ҳамда куртак пайвандлашнинг энг мақбул муддатларини ишлаб чиқиш;

мандарин кўчатларини тайёрлашда пайвандустларнинг тутувчанлигига мандариннинг уруғидан ва лимоннинг новдаларидан кўпайтирилган павандтагларининг самарадорлигини ўрганиш ҳамда искана пайванлашнинг мақбул муддатларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида лимоннинг “Мейер”, “Тошкент”, “Юбилейный”, “Ўзбекистон тўнғичи” ҳамда мандариннинг “Клементин” навлари, хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети танлаб олинган лимон ва мандарин ўсимликларининг яшил қаламчаларини тайёрлаш жараёнлари, лимон пайвандтагларини ва мандарин куртакларини сифат даражасини таҳлил этиш, озуқа элементлари, субстратлар ва биостимулятор кабилар ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, лимон кўчатларини қаламчалаш усулида етиштириш ва уларни пайвандтаг учун тайёрлаш, парваришлаш, сифатли кўчат чиқишни ҳисоблаш ва баҳолаш, Х.Ч.Бўриев ва бошқаларнинг “Мевали ва резавор мевали ўсимликлар билан тажрибалар ўтказишда ҳисоблар ва фенологик кузатувлар методикаси”, (2014), Полегаев В.И. “Методы оценки качества плодов и овощей” Методические разработки (1978), Федурко Т.А. “Выращивание клоновых подвоев и посадочного материала плодовых и ягодных культур из зеленых черенков” рекомендации (1992), М.Тарасенконинг “Размножение плодовых растений методом зеленого черенкования побегов” (1969), С.А.Остроухованинг «Мевали ва резавор мевали экинлар кўчатларини етиштириш бўйича услубий кўрсатма» ларида келтирилган тавсия ва услублар бўйича ўтказилган, дала тажрибаларидан олинган натижаларнинг статистик таҳлили Microsoft Excel компьютер дастури ёрдамида Б.А.Доспехов услуби бўйича ҳисобланган (1995).

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

илк бор лимон кўчатларини вегетатив усулда саноат даражасида кўпайтиришда қаламчаларнинг илдиз отишига қаламчалар ўлчамининг боғлиқлиги аниқланган ва қаламчалар диаметри, 7-8, мм узунлиги 12-14 см ўлчамда кесиб олинганда яхши натижа кўрсатиши исботланган;

лимон қаламчаларини илдиз отишига қўлланилган субстратлардан торф ва вермикулит, биостимулятор турларидан Эпин (0,25мл/л сувга) ва Энерген (0,6 г/л сувда) юқори натижа кўрсатган;

ҳимояланган иншоотга нисбатан очик майдонда етиштирилган пайвандтагларда куртак пайвандустларнинг тутувчанлиги яхши натижа бериши аниқланган ва энг мақбул муддатлари (август ойининг иккинчи-учунчи

декадасида) ишлаб чиқилган;

мандарин кўчатларини тайёрлашда пайвандустларнинг тутувчанлигига мандариннинг уруғидан кўпайтирилган пайвандтағларига нисбатан лимоннинг вегетатив усулида кўпайтирилган павандтағлари (Мейер, Тошкент, Юбилейный) юқори натижа кўрсатган ҳамда искана пайванлашнинг мақбул муддатлари (март ойининг биринчи декадаси) аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

кўчатчилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари учун ҳимояланган иншоотларда лимон кўчатларини жадал етиштиришда қаламчаларнинг илдиз отишига қаламчаларнинг ўлчами, субстратлар ва биостимуляторлар турларининг аҳамияти, ҳамда куртак ва искана пайванлашнинг энг мақбул муддатлари ва мақбул пайвандтағ навлар аниқланган;

очиқ майдонда мандарин кўчатлари етиштирилганда, пайвандтаклардан лимоннинг Мейер, Тошкент ва Юбилейный навлари энг яхши натижа кўрсатганлиги аниқланган;

очиқ майдонларда мандарин кўчатларини етиштиришда пайвандлашнинг энг мақбул муддати – август ойининг иккинчи учунчи декадасида амалга ошириш назоратга яъни ҳимояланган иншоотдагига нисбатан куртак пайвандларнинг тутувчанлиги 6-8 % га юқори бўлиши аниқланган;

очиқ майдонда лимон кўчатларидан пайвандтағ сифатида фойдаланиш натижасида 1 гектар майдондан қисқа муддатда 53-56 минг донагача (80-85 %) мандарин кўчатлари етиштиришга эришилган;

мандарин кўчатларини тайёрлашда мандариннинг уруғидан кўпайтирилган пайвантағларига (назорат) нисбатан лимоннинг Мейер нави пайвантағида искана пайвандларнинг тутувчанлиги 3-4 % га юқори бўлиши аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги дала тажрибалари ҳар йили мавсумий апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир-бирига мос келганлиги. тадқиқот натижаларини ҳалқаро ва маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тажриба натижаларининг ҳалқарода 2 та ва 2 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда баён этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лимон кўчатларини жадал етиштириш технологиясини такомиллаштиришда вегетатив новдаларнинг ўлчамлари, субстрат турларини илдизларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири ҳамда биостимуляторлар турларининг аҳамияти, очиқ майдонда лимон пайвандтағларида мандарин кўчатларини етиштиришда, пайвантағ навларнинг ўрни, пайвандлашнинг мақбул муддатлари аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ҳимояланган иншоотларда лимон кўчатларини етиштириш имконини берувчи усулининг тадбиқ этилганлиги, кўчатларни жадал етиштиришда субстратлар ва биостимуляторларни қўллаш, мандарин кўчатлари тайёрлашда лимон пайвандтағларидан фойдаланиш технологияси такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Лимон ва мандарин кўчатларини жадал етиштириш технологиясини такомиллаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида;

академик М.Мирзаев номидаги боғдорчилик узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг ҳимояланган иншоотларида (траншей) 0,06 га майдонда лимон ва мандарин кўчатларини етиштириш жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 январьдаги №07/23-06/9- сонли маълумотномаси). Натижада кўчат етиштиришда торф ва вермикулит субстратларида назоратга нисбатан 3-4 баробар кўп кўчат етиштиришга эришилган;

очик майдонларда лимон пайвандтагларидан фойдаланиб мандарин кўчатларини етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Асака туман “SAMARAGROZOOVETSERVIS” МChJ нинг 0,05 га ҳимояланган иншоотларида ва 0,5 га очик майдонларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 январьдаги №07/23-06/9-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан ўртача 55 332 дона мандарин кўчатларини етиштиришга эришилган, рентабеллик 105,9 % ни ташкил этган;

очик майдонларда лимон пайвандтагларидан фойдаланиб мандарин кўчатларини етиштириш ишланмаси Андижон вилояти Асака туман “GREEN VALLEY SEEDS” хусусий корхона хўжалигида 0,04 га очик майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 6 январьдаги №07/23-06/9-сонли маълумотномаси). Бунинг натижасида 1 га майдондан ўртача 54332 дона мандарин кўчатларини етиштиришга эришилган рентабеллик 105,7 % ни ташкил этган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация доирасидаги илмий ишланмалар йиллик ва якуний ҳисоботлар шаклида ҳар йили Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб чиқариш маркази ва Тошкент давлат аграр университети апробация комиссиялари томонидан апробациядан ўтказилган. Йиллик ҳисоботлар Тошкент давлат аграр университети илмий кенгашида муҳокама қилинган. Диссертация доирасида олиб борилган илмий-тадқиқот ишларининг натижалари 4 марта республика илмий-амалий конференцияларида муҳокама қилинган.

Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, шу жумладан, 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган. Шунингдек тадқиқот натижалари халқаро илмий-амалий онлайн конференцияларда ижобий баҳоланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда ва 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Цитрус ўсимликлар кўчатларини етиштириш технологиясининг назарий ва амалий асослари бўйича илмий манбалар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг ушбу мавзу юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Бинобарин, лимон ўсимлигининг ботаник классификацияси, агробиологик хусусиятлари, лимон кўчатлари етиштиришнинг бугунги ҳолати ва ривожланиш истикболлари, лимоннинг қаламчаларидан кўчат тайёрлаш усуллари ва технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказилган жойнинг иқлим шароитлари ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқотлар ўтказилган ҳудудларнинг жойлашган ўрни ва иқлим шароитлари тавсифи”** бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Лимон кўчатларини вегетатив усулда етиштириш технологияси”** деб номланган учинчи бобида лимон кўчатларини жадал етиштириш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён этилган. Жумладан, ушбу бобнинг Лимоннинг турли узунликда ва қалинликда тайёрланган қаламчаларини илдиз отиш хусусиятлари даражасига уларнинг ўлчамларини таъсири деб номланган бўлимида сифатли кўчат етиштиришда экишга тайёрланган қаламчаларнинг ўлчамларини уларнинг илдиз отишига таъсири ўрганилган ва тажриба натижаларои ёритилган (1-жадвал).

Лимон кўчатларини мунтазам жадал етиштиришда жадваллардаги маълумотларни таҳлил этадиган бўлсак барча навларда қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси иншоотдаги ҳаво ҳарорат 24-26°C ҳавонинг нисбий намлиги 90-95% ни ташкил этганда юқори натижа кўрсатди.

Махсус иншоотларда (*иссиқхона ва траншей*) лимон қаламчаларнинг
илдиз отиши даражасига уларнинг ўлчамларининг таъсири, %
(2020-2021йй.)

Навлар	Қаламчаларнинг ўлчами		Илдиз отиш даражаси, %			
			ҳарорат 15-17°C, нисбий намлик 75-80%	ҳарорат 18-20°C, нисбий намлик 80-85%	ҳарорат 21-23°C, нисбий намлик 85-90%	ҳарорат 24-26°C, нисбий намлик 90-95%
	узунлиги, см	диаметри, мм				
Мейер	8-10 (назорат)	4-5 (назорат)	61,6	76,50	81,10	85,7
	4-6	3-4	62,8	76,38	80,30	84,8
	10-12	6-7	68,0	79,60	86,78	91,2
	12-14	7-8	66,8	79,00	85,58	89,5
	ЭКФ ₀₅		1,7	0,5	0,7	1,1
Юбилейный	8-10 (назорат)	4-5 (назорат)	60,8	76,5	80,45	84,5
	4-6	3-4	61,8	76,2	80,25	84,2
	10-12	6-7	64,1	79,6	86,23	87,5
	12-14	7-8	63,3	78,7	84,98	87,0
	ЭКФ ₀₅		0,5	1,1	0,2	1,3
Тошкент	8-10 (назорат)	4-5 (назорат)	60,8	77,2	80,13	84,3
	4-6	3-4	61,8	76,2	80,25	84,2
	10-12	6-7	63,8	78,8	85,78	87,1
	12-14	7-8	63,5	78,4	85,00	87,6
	ЭКФ ₀₅		0,5	1,3	0,7	0,6
Ўзбекистон тўнғичи	8-10 (назорат)	4-5 (назорат)	60,0	77,0	79,78	84,2
	4-6	3-4	60,7	76,2	80,20	84,0
	10-12	6-7	62,9	78,8	85,45	87,1
	12-14	7-8	62,3	78,8	84,70	87,1
	ЭКФ ₀₅		1,2	0,6	0,9	0,7

Табиийки ҳароат ва нисбий намлик паст кўрсаткичда бўлганда намлик ҳамда кузги қишки муддатларда ўсимликларнинг вегетация даври қисқаради ва бу эса лимон кўчатлари ривожланишининг умумий параметрларини пасайишига олиб келади.

Бунда кўриниб турибдики иншоотдаги зарурий микро иқлим ва қаламчаларнинг ўлчамлари уларни илдиз отиши ҳамда ер устки қисмини жадал ривожланишига асос бўлади. Лимон ўсимлиги ҳарорат 22°C кўтарилганда ўсимлик ҳужайраларидаги барча биокимёвий жараёнлар фаоллашиши кузатилади. Шу билан бир қаторда иншоотдаги микро иқлимнинг таъминланиши ва қаламчаларнинг ўлчами яъни қаламчаларга етарлича захира озик моддалари йиғилиши уларнинг стрес ҳолатга бардошлилигини, тез фурсатда илдиз отиши ва ер устки қисмини жадал ривожланишига замин яратиши кузатилади. Қаламчалар ривожланишининг айнан ушбу кўрсаткичи кўчатларнинг кейнги парваришlash ва кўчатларнинг сақланиб қолишига асос бўлад (расм-1)



а)



б)



с)

1- расм. а) Ёпиқ иншоотда латокларга кумли субстратларни жойлашуви, б) лимон қаламчаларнинг экилиши, с) фенологик кузатувлар олиб бориш жараёнлари кўрсатилган.

Диссертациянинг Лимон қаламчаларини турли субстратларда илдиз отиши деб номланган бўлимида субстратларнинг қўллаш усуллари ва самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба натижалари баён этилган.

2-жадвал

Махсус иншоотларда (*иссиқхона ва ҳандак*) лимон навларининг қаламчаларини турли муҳит ва субстратларда илдиз отиши % (2020-2021йй.)

Навлар	Субстрат тури	Илдиз отиш даражаси, %			
		ҳарорат 15-17°C, нисбий намлик 75-80-%	ҳарорат 18-20°C, нисбий намлик 80-85-%	ҳарорат 21-23°C, нисбий намлик 85-90%	ҳарорат 24-26°C, нисбий намлик 90-95%
Мейер	қум (назорат)	61,4	76,7	81,1	85,5
	торф	63,8	79,8	85,2	91,0
	вермикулит	63,8	79,3	84,8	89,5
	ЭКФ ₀₅	0,1	0,2	0,4	0,2
Юбилейный	қум (назорат)	60,9	76,5	80,7	84,5
	торф	64,3	79,7	85,8	88,2
	вермикулит	63,0	78,7	85,3	87,7
	ЭКФ ₀₅	0,4	0,02	0,1	0,1
Тошкент	қум (назорат)	60,4	76,3	80,1	84,2
	торф	63,7	79,2	85,7	87,4
	вермикулит	61,9	78,7	85,0	87,6
	ЭКФ ₀₅	0,3	0,1	0,1	0,1
Ўзбекистон тўнғичи	қум (назорат)	60,3	76,5	79,8	84,0
	торф	63,0	79,3	85,5	87,3
	вермикулит	62,3	78,3	84,8	87,1
	ЭКФ ₀₅	0,3	0,1	0,1	0,2

Ҳаво ҳарорати 15-17°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 75-80%, бўлганда, лимон кўчатларини ярим ёғочланган қаламчаларидан кўпайтиришда илдиз отиши жараёнларини тезлаштириш ва сифатли кўчат етиштириш учун

қўлланиладиган субстрат турларининг таъсири ўрганилганда қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси қўйидагича фарқланди:


Қаламчалар кумга экилганда ҳаво ҳарорати 15-17°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 75-80%, бўлганда, илдиз отиш даражаси ўртача 61,4 % ташкил этган бўлса, ҳаво ҳарорати 18-20°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 80-85 %, бўлганда 76,7%, ҳаво ҳарорати 21-23°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 85-90 %, бўлганда 81,1%, ҳаво ҳарорати 24-26°C ва ҳавонинг нисбий намлиги 90-95 %, бўлганда эса 85,5% ташкил этди (2-жадвал).

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики субстратларга экилган қаламчалар вариантларда назоратга нисбатан қаламчаларнинг жадал илдиз отиши барг қўлтиғидан новдаларнинг ўсиши ва ривожланишида устунлик намоеън бўлганлигини аниқлаш имконини берди. Субстратларга экилган қаламчаларда илдиз отиши, новдалар ва баргларнинг шаклланишида субстрат таркибидаги мавжуд микро элементлар, қўшимча озуканинг миқдорига боғлиқ равишда муайян тафовут кузатилди.


Тажрибалар шуни кўрсатдики қаламчалар кумда етиштирилганга қараганда торф ва вермикулитда қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси ўртача 4-6% юқори эканлиги аниқланди.

Диссертациянинг “Лимон қаламчаларини илдиз отишига турли биостимуляторларнинг таъсири” деб номланган учинчи бўлимида лимон кўчатларини етиштиришда биостимуляторларни таъсири ва аҳамияти бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари баён этилган. Тажрибалар давомида биостумляторлар лимон навларининг қаламчааларига ҳар хил таъсир ўтказишини кузатдик. Дастлаб Мейер навини корнивин биостимуляторида тайёрланган эритмага 16-18 соат давомида солиб қўйдик. Бу ҳолатда назоратга нисбатан қаламчаларнинг илдиз отиш даражаси иншоотдаги ҳарорат 15-17 °C ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% бўлганда назоратга нисбатни 1,2 % ,ҳарорат 18-20 °C ҳаво намлиги 80-85% бўлганда 2,1%, ҳарорат 21-23 °C ҳаво намлиги 85-90% бўлганда 2,2%, ҳарорат 24-26 °C ҳаво намлиги 90-95% бўлганда 2,5% га ошганлигини кузатдик. Бу кўрсаткич Энерген биостимуляторига қаламчалар эритмага 16-18 соат давомида солиб қўйганимизда, қаламчаларнинг илдиз отиши иншоотдаги ҳарорат 15-17 °C ҳавонинг нисбий намлиги 75-80% бўлганда назоратга нисбатан 4,2 % ,ҳарорат 18-20 °C ҳаво намлиги 80-85% бўлганда 4,5 %, ҳарорат 21-23 °C ҳаво намлиги 85-90% бўлганда 4,5 %, ҳарорат 24-26 °C ҳаво намлиги 90-95% бўлганда 5,2 % га ошганлигини кузатилди.


Тажрибаларда биостимуляторларининг таъсири барча навларнинг қаламчаларини илдиз отиш кўрсаткичлари назоратга нисбатан корнивинда ўртача 1,7-2,9 % гача эпин 3,8-7,1 % гача Энергенда эса 3,2-6,4 % гача юқори эканлигини кузатдик. Бундан кўришиб турибдики қаламчаларга ишлов берилганда назоратга нисбатан Эпин ва Энерген биостимуляторларининг таъсири юқори эканлиги кузатилди (2,3,4,5-расмлар).




2-расм. Мейер навининг ярим ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда илдиз отиши жараёнларига қўлланиладиган биостимуляторлар турининг таъсири, % (2020-2022 йй.)



3-расм. Юбилейный навининг ярим ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда илдиз отиши жараёнларига қўлланиладиган биостимуляторлар турининг таъсири, % (2020-2022 йй.)



4-расм. Тошкент навининг ярим ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда илдиз отиши жараёнларига қўлланиладиган биостимуляторлар турининг таъсири, % (2020-2022 йй.)



5-расм. Ўзбекистон тўнғичи навининг ярим ёғочлашган қаламчаларидан кўпайтиришда илдиз отиши жараёнларига қўлланиладиган биостимуляторлар турининг таъсири, % (2020-2022 йй.)

Диссертациянинг “Мандарин кўчатларини етиштиришда лимон ўсимлигидан пайвандтаг сифатида фойдаланиш” деб номланган тўртинчи бобида лимон кўчатларидан мандарин кўчатларини тайёрлашда пайвандтаг сифатида фойдаланишнинг самарадорлиги ўрганилган.

Диссертациянинг тўртинчи боб биринчи бўлимида Очиқ майдонда мандарин пайвандуст куртакларнинг, пайвандтаг сифатида қўлланилган ҳар хил лимон навлари тутувчанлиги ва кўчатларнинг ривожланишига пайвандлаш муддатининг таъсири доирасида лимон кўчатларидан мандарин кўчатларини тайёрлашда асосий пайвандтаг сифатида фойдаланиш бўйича тажрибалар олиб борилди (расм-6).



6-расм. Куртак пайвандлаш натижасида тайёрланган кўчатлар

Биз тажрибаларимизда очик майдонларда пайвантакларни етиштириш ва куртак пайвандлашнинг энг мақбул муддатларини ишлаб чиқдик. Бизга маълумки барча ўсимликлар каби цитрус ўсимликларини ҳам кўпайтиришда пайвандлаш муддатларни белгилаш пайвандтаг ўсимлик ва пайвандуст навнинг пайвандлашдан олдинги физиологик ҳолати, уларнинг озика ва сув тартиби, тупроқ-иқлим шароитлари ва бошқа омилларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширдик.

Мандарин ўсимлигида ҳам пайвандуст куртакларнинг тутиш сифатига пайвандлаш муддатининг таъсири тўғрисидаги юқорида келтирилган фикрларни ўрганиш мақсадида лимоннинг бир қатор навларини пайвандтагларига куртак пайвандни турли муддатларда амалга ошириш бўйича тажрибалар ўтказдик. Бунда куртак пайванд новдаларда шира ҳаракати фаол бўлган ва пўстлоғи ёғочликдан осон ажраладиган вақт – август ойининг бошидан сентябрь ойининг биринчи декадасигача бўлган муддатларда амалга оширдик. Ҳимояланган иншоатларда сентябрь ва октябрь ойларида ҳам куртак пайвандлаш бўйича тажрибалар ўтказдик.

Ҳар хил муддатларда пайвандланган мандаринни пайвандуст куртакларини тутувчанлигини дастлабки аниқлаш (пайванд қилингандан сўнг) шуни кўрсатдики, куртак пайвандни пайвандтаг ўсимликларида физиологик фаоллик кучаймаган ва пўстлоғи яхши ажралмайдиган эртаги ёки бир қанча кечиккан муддатларда ўтказилганда жами ривожланмаган куртаклар миқдорининг ортиб кетишига тажрибаларимизда амин бўлдик. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, лимон пайвандтагларига мандарин куртакларини пайвандлашнинг энг мақбул муддати август ойининг иккинчи-учунчи декадасига тўғри келиши аниқланди (3-жадвал).

Ушбу муддатда пайванд қилинганда куртакларнинг тутувчанлиги юқори натижа кўрсатди.

Мандариннинг Клементин нави куртакларини тутувчанлигига лимонни турли навлари пайвандтаг сифатида таъсири (2021-2022 йй.)

Т/р	Пайвандтаг навлар	Вариантлар								Куртак пайвандларнинг ўртача тутувчанлиги	
		I		II		III		IX		очик майдонда	химояланган иншооат (назорат)
		очик майдонда	химояланган иншооат (назорат)								
1	Мейер	93	80	92	81	90	83	93	84	92	82
2	Юбилейный	84	79	83	80	84	82	85	79	84	80
3	Тошкент	91	85	88	83	87	86	90	82	89	84
4	Ўзбекистон тўнғичи	86	81	84	78	82	82	84	79	84	80

Диссертациянинг тўртинчи боб учинчи бўлимида Турли пайвандтагларга пайвандланган мандарин куртакларини тутувчанлигига пайвандтагларининг боғлиқлиги бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Тажирибалар шуни кўрсатдики пайвандтаглардан Мейер навида август ойининг биринчи декадасида 90 %, иккинчи декадасида 92%, учунчи декадасида 89%, сентябрь ойининг биринчи декадасида 79% куртакларни тутувчанлиги кузатилди. Куртакларни нобуд бўлиши кузда ўртача 10-14%, баҳорда эса 8-10% гача кузатилди. Пайвандланган куртакларни эрта баҳорда ривожланиши август ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 75%, иккинчи декадасида пайвандланган куртакларда 83%, учунчи декадасида пайвандланган куртакларда 80%, сентябрь ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 68% куртакларни ривожланиши кузатилди. Бундан кўриниб турибдики пайвандлашнинг энг мақбул муддати август ойининг иккинчи декадасига тўғри келди. Бу курсаткич назоратга нисбатан куртакларнинг тутувчанлиги 8-10 % юқори эканлиги кузатилди.

Юбилейный навида август ойининг биринчи декадасида 80%, иккинчи декадасида 82%, учунчи декадасида 81%, сентябрь ойининг биринчи декадасида 79% куртакларни тутувчанлиги аниқланган бўлса, куртакларни нобуд бўлиши кузда ўртача 18-20% ни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич эрта баҳорда 12-14% ни ташкил этди. Пайвандланган куртакларни баҳорда ривожланиши август ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 69%, иккинчи декадасида пайвандланган куртакларда 74%, учунчи декадасида пайвандланган куртакларда 66%, сентябрь ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 61% ривожланиши кузатилди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан куртакларнинг тутувчанлиги 6-8% га ортанлиги аниқланди. Тошкент навида август ойининг биринчи декадасида 85%, иккинчи декадасида 89%, учунчи декадасида 84%, сентябрь ойининг биринчи декадасида 78% куртакларни тутувчанлиги аниқланган бўлса, куртакларни нобуд бўлиши кузда ўртача 12-14% баҳорда эса 4-6 гача кузатилди. Пайвандланган куртакларни баҳорда ривожланиши август ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 77%, иккинчи декадасида пайвандланган куртакларда 82%, учунчи декадасида пайвандланган куртакларда

80%, сентябрь ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 74% гача куртакларни ривожланиши кузатилди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан куртакларнинг тутувчанлиги 8-10% га юқори бўлганлиги кузатилди.

Ўзбекистон тўнғичи навида август ойининг биринчи декадасида 82%, иккинчи декадасида 84%, учунчи декадасида 83%, сентябрь ойининг биринчи декадасида 76% куртакларни тутувчанлиги аниқланган бўлса, куртакларни нобуд бўлиши кузда ўртача 16-18%, баҳорда 6-8% гача кузатилди. Пайвандланган куртакларни баҳорда ривожланиши август ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 72%, иккинчи декадасида пайвандланган куртакларда 78%, учунчи декадасида пайвандланган куртакларда 76%, сентябрь ойининг биринчи декадасида пайвандланган куртакларда 70% куртакларни ривожланиши кузатилди. Бу кўрсаткич назоратга нисбатан куртакларнинг тутувчанлиги 6-8% гача юқори эканлиги аниқланди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики лимон пайвандтағларига очик майдонда куртак пайвандлашни амалга ошириш натижасида ҳимояланган иншоатга (назорат) нисбатан куртак пайвандларнинг тутувчанлиги 8-10% гача юқори кўрсаткичда бўлганлиги кузатилди. Куртакларнинг нобуд бўлиш даражаси кузда тутмаган куртаклар 14-16% ни ташкил этган бўлса эрта баҳорда куртаклар ривожланишни бошлагандан сўнг, пайвандланган куртаклар яшил тусда бўлишига қарамасдан ривожланмаган куртаклар 8-10% ни ташкил этди. Айтиш мумкинки кузда пайвандланган куртаклар пайвантакка бирикиб кетсада айрим куртакларни ривожланмаганлиги кузатилди.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, куртак пайвандлашнинг энг мақбул муддати август ойининг иккинчи декадасида бошқа муддатдагиларга нисбатан 4-6% гача, назоратга нисбатан эса 8-10% гача юқори натижа кўрсатиши тажрибаларимиз давомида аниқланди. Бундан кўриниб турибдики ҳимояланган иншоатга (назорат) нисбатан очик майдонларда куртак пайвандни амалга ошириш август ойида ижобий натижа кўрсатишига тажрибаларимиз давомида амин бўлдик.

Диссертациянинг Мандариннинг пайвандуст қаламчаларининг тутиши ва ривожланишида пайвантағларнинг аҳамияти ҳамда пайвандлаш муддатларини таъсири деб номланган учинчи бўлимида Тажрибалар шуни кўрсатдики, искана пайвандлаш усулида пайвантакларнинг ва пайвандуст ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш босқичлари бир бирига яқин кўрсаткичда бўлиши зарур. Яни пайвандтағлар траншеяда ўстирилаётган бўлса пайвандуст учун материаллар айнан траншеяда ўстирилаётган ўсимликдан олиниши мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Сабаби республикамиз иқлим шароитида цитрус ўсимликларнинг жадал ривожланиш босқичлари траншеяларда февраль ойининг учунчи декадаси ва март ойининг биринчи ҳамда иккинчи декадасига тўғри келади. Иссиқхоналарда эса бу жараён бир оз эртароқ кузатилади. Яни январь, февраль ойларига тўғри келади. Тажрибаларимизда шунга амин бўлдики траншеяларда ўстирилган пайвантакларга иссиқхоналар ўстирилган цитрус ўсимликларидан пайвандуст танлаб олинганда пайвандустларнинг тутувчанлиги паст кўрсаткичда бўлганлигини кузатдик.

ХУЛОСА

1 Ҳимоланган иншоотларда лимон кўчатларини мунтазам етиштиришда ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлиги муҳим ўрин тутди. Кўчатларини етиштиришда ҳарорат 24-26 °С ҳавонинг нисбий намлиги эса 90-95 % ни ташкил этганда қаламчаларда илдиз тизими жадал ривожланади.

2. Лимон кўчатларини етиштиришда қаламчаларнинг ўлчамлари уларнинг илдиз отишига бевосита таъсир кўрсатиши аниқланди ва ишлаб чиқаришда сифатли кўчат тайёрлашда диаметри 7-8 мм узунлиги 12-14 см ўлчамдаги қаламчалардан фойдаланиш тавсия этилади.

3. Тажриба натижаларига кўра қаламчалар Торф ва Вермикулит субстратларида етиштирилганда қаламчаларнинг илдиз отиш ва ривожланиш даражаси ананавий усулда яни кумда етиштирилган қаламчаларга нисбатан 6-8 % юқори натижа кўрсатган.

4. Лимон кўчатларини тезкор етиштиришда сўнги турдаги биостимуляторлардан (Эпин, Энерген) фойдаланиш натижасида, қаламчаларнинг стрессга чидамлилиги, илдиз тизимининг шакилланиши ва новдаларнинг ривожланиши юқори натижа кўрсатди.

5. Лимон ўсимлигини очик майдонда пайвандтаг сифатида етиштириш уни ҳимояланган иншоотда кўпайтиришга нисбатан бир қанча афзалдир. Мандарин кўчатларини кўпайтиришда, унинг куртакларини очик майдонда етиштирилган лимон пайвандтаглариди тутиши ҳимояланган иншоотдаги пайвандтагларига (назорат) нисбатан юқори бўлади.

6. Очик майдонда лимон ўсимликлари мандариннинг Клементин навига пайвандтаг сифатида қўлланилганида Мейер навида тутиши юқори бўлиб, 1-25 августда 90-92 % ни ва 1-10 сентябрда эса 88 % ни ташкил этади. Мазкур кўрсаткич лимоннинг Юбилейный навида 5-25 августда 88-90 % ва 1-10 сентябрда эса 88 % гача бўлиши кузатилди.

7. Очик майдонда куртак пайвандлашни амалга оширганимизда энг мақбул муддат август ойининг биринчи-иккинчи декадасида самарадорлик юқори бўлди.

8. Мандарин кўчатларини етиштиришнинг рентабеллиги уни ўз уруғидан кўпайтирилган пайвандтаглариди 104,6 % дан иборат бўлган бўлса вегетатив йўл билан кўпайтирилган пайвандтагларда ўртача 105,7 % ни ташкил этади.

Лимон кўчатларини мунтазам, сифатли етиштиришда субстратлардан торф ва вермикулетдан фойдаланиш тавсия этилади;

Кўчат етиштиришда сўнги турдаги стимуляторлардан Эпин ва Энергенни қўллаш тавсия этилади.

Очик майдонда лимон кўчатларидан пайвандтаг сифатида фойдаланилганда куртак пайвандни амалга ошириш август ойининг иккинчи декадаси энг мақбул муддат ҳисобланади.

Ҳимояланган иншоотда искана пайвантни март ойининг биринчи-иккинчи декадаси амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

НОРТОЖИЕВ БОБОШЕР ШЕРАЛИЕВИЧ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ
САЖЕНЦЕВ ЛИМОНА И МАНДАРИНА
(*Citrus limon B.*, *Citrus reticulate L.*)**

06.01.07 – Плодоводство и виноградарство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/Qx968.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете. Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Султонов Камолитдин Садриддинович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Файзиев Жамолитдин Носирович доктор
сельскохозяйственных наук, профессор

Фахрутдинов Нуриддин Зайниддинович
кандидат сельскохозяйственных наук, доцент

Ведущая организация:

**Термезский институт агротехнологий и
инновационного развития**

Защита диссертации состоится 24 февраля 2023 года, в 9⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г.Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag_info@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована под номером 547807) (Адрес: 100140, Ташкент, ул. Университетская, дом-2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации распространен «11» февраля 2023 года.
(Реестровая выписка № 2 от «10» января 2023 г.).

Э.Т. Бердиев

Председатель ученого совета по
присуждению ученых степеней,
д.с.х.н., профессор

М.З. Холмуротов

Ученый секретарь ученого совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.с.х.н доцент

С.А. Юнусов

Председатель научного семинара
при ученом совете по присуждению
ученых степеней, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире выращивается 14 миллионов тонн плодов лимонов и 38 миллионов тонн мандаринов. Крупнейшими странами производителями этих фруктов считаются Китай, Испания, Индия и Мексика, и на долю этих стран приходится по 16% мирового валового сбора⁴. Цитрусовые растения относятся к подвиду Aurantioideae (poranja) семейства Rutaceae, а природный ареал рода цитрусовых распространен в очень широких тропических и субтропических районах Юго-Восточной Азии. Наиболее значительное развитие форм и групп цитрусовых культур произошло в Индии. В настоящее время одной из актуальных задач при выращивании рассады цитрусовых растений является создание сортов с высокой морозостойкостью и продуктивностью.

В настоящее время проводятся научные исследования по увеличению объемов и урожайности этих цитрусовых в таких странах, как Китай, Индия, Испания, Турция и Мексика, выращивающих лимоны и мандарины для мировой промышленности. В Китае было создано более 50 новых сортов мандарина, а в Индии и Мексике – более 100 новых сортов лимона. Однако на сегодня считается необходимым создание сортов лимона и мандарина, устойчивых к неблагоприятным условиям, усовершенствовать технологию использования саженцев лимона в качестве подвоя при выращивании саженцев мандарина, снизить себестоимость саженцев и плодов цитрусовых.

В последние годы в нашей республике большое внимание уделяется выращиванию цитрусовых, в том числе лимонов и мандаринов. Среди цитрусовых в Узбекистане в больших количествах выращивают, в основном, лимоны. В республике было выращено в 2019 г. - 28,3 тыс. тонн, в 2020 г. - 35 тыс. тонн, в 2021 г. - 36,3 тыс. тонн лимонов. В 2019 г. площадь лимонных плантаций составила - 1,2 тыс. га, в 2020 г. - 2,1 тыс. га, в 2021 г. - 2,2 тыс. га. Принимаются последовательные меры по увеличению объемов производства и экспорта за счет расширения площади лимонных плантаций, реформирования системы управления лимонной отрасли. В частности, в 2018-2019 годах в республику привлечены иностранные кредитные линии на сумму 46 млн долларов США, заложены современные лимонные плантации на площади 730 га. В пункте 3.30 Постановления № ПФ-60 Стратегии развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 годы о дальнейшем развитии Республики Узбекистан, посвященном опережающему развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста, отдельно указаны вопросы «повышения доходов фермеров и дехкан не менее чем в 2 раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, ежегодного прироста сельского хозяйства не менее чем до 5%».

1. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Лимон>

2. <https://ru.wikipedia.org/wiki/Мандарин>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони.

4. <https://lex.uz/uz/docs/5828747>

